



## ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ ТИЗИМИДА ТЎҒРИ СОЛИҚЛАР БАЗАСИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Халикчаева Садокат Илхомжоновна -*

*Тошкент давлат иқтисодийёт университети ҳузуридаги*

*“Ўзбекистон иқтисодийётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот*

*маркази докторанти*

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a53](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a53)

**Аннотация.** Ушбу мақолада бугунги кунда республикада олиб борилаётган солиқ ислохотлари шароитида мавжуд солиқ турлари, хусусан, тўғри солиқларнинг солиқ базасини аниқлаш тартиби ва унинг хусусиятлари, базага таъсир ўтказувчи омилларнинг турлари ҳақида, қолаверса, чуқур таҳлиллар асосида мавжуд муаммолар аниқланган ва керакли таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ тизими, солиқ базаси, тўғри солиқлар, жисмоний шахслар даромад солиғи, юридик шахслар ойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ижтимоий солиқ, ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ.

## ПОРЯДОК ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПРАВИЛЬНОЙ НАЛОГОВОЙ БАЗЫ В НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА И ЕЁ АНАЛИЗ

*Халикчаева Садокат Ильхомжоновна -*

*Докторант научно-исследовательского центра «Научные*

*основы и проблемы развития экономики Узбекистана»*

*при Ташкентском государственном экономическом университете*

**Аннотация.** В данной статье в условиях проводимых сегодня в нашей республике налоговых реформ, выявлены существующие виды налогов, в частности порядок определения налоговой базы правильных налогов и ее особенности, кроме того выявлены существующие проблемы на основе глубокого анализа и формулируются необходимые предложения.

**Ключевые слова:** налоговая система, налоговая база, собственные налоги, налог на доходы физических лиц, налог на прибыль, налог с оборота, социальный налог, земельный налог, налог на имущество, налог за пользование водными ресурсами, налог за пользование землей.

## THE PROCEDURE FOR DETERMINING THE CORRECT TAX BASE IN THE TAX SYSTEM OF UZBEKISTAN AND ITS ANALYSIS

*Khalikchayeva Sadokat Ilkhomjanovna -*

*Doctoral student of the Research Center "Scientific bases*

*and problems of economic development of Uzbekistan"*

*at the Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** In this article, in the conditions of tax reforms carried out in our republic today, the existing types of taxes, in particular, the procedure for determining the tax base of the correct taxes and its features, in addition, the existing problems are identified based on in-depth analysis and the necessary proposals are made.

**Key words:** tax system, tax base, proper taxes, Personal income tax, Profit tax, Turnover tax, Social tax, Land tax, Property tax, Water resource use tax, Land use tax.

**Кириш.** Дунё ҳамжамиятида ҳар қандай солиқни белгилаш, ҳисоблаш ва ундириш солиқ солинадиган базани аниқлаш билан боғлиқ. Дар-ҳақиқат, тўланиши керак бўлган солиқ миқдори аниқлаш учун солиқ солиш объектини аниқлашдан ташқари солиқ ставкаси ва солиққа тортишнинг бошқа элементлари, унга нисбатан солиқнинг иқтисодий асосининг ўзига хос қийматини аниқлаш керак. Чунончи, солиқ базасининг аниқлаш жараёни ва белгиланган тартиблари солиқ юки, бюджет тушумлари миқдори, шунингдек, солиқ тўловчилар билан ҳуқуқий муносабатларга бевосита таъсир этади ва бу жа-

раён ўз-ўзидан солиқ маъмуриятчилигига бориб тақалади. Зеро, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида шу кунларда олиб борилаётган сайъ-ҳаракатлар, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, унинг замирида эса солиқ юкини изчил камайтириш ҳамда солиқ базасини янада кенгайтириш масалалари тизим олдида турган асосий вазифалардан бири эканлигининг қатор қарор ва фармонлар имзоланиши орқали гувоҳи бўлмоқдамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-

тадбирлари тўғрисидаги 178-сонли (24.03.2022) [1], “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 208-сонли (15.04.2022)[2], “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 162-сонли қарорлари (28.06.2022)[3] бевосита солиқ тизимини қамраб олди, шунингдек, соҳа олдидаги муаммоларни бартараф этишга қатор вазифаларни юклади. Шундай экан, албатта, юқорида таъкидланган вазифалар ижросини таъминлашда солиқ базасини аниқлаш тартиби ва тамойиллари муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз ушбу жараёни мазкур мақоламизда тадқиқот объекти сифатида белгилаб олдик.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Солиқ базаси ва уни аниқлаш тартиблари ҳақида сўз юритар эканмиз, солиқ базаси ва унга таъсир этувчи омиллар ҳақида ҳамда солиқ базасини аниқлаш тартибининг хусусиятлари хусусида, аввало, Н.В.Миляковнинг “Налог и налогообложение” дарслигида “Баъзи ҳолларда солиқ солинадиган база аслида солиқ ставкаси қўлланиладиган солиққа тортиш объектининг бир қисмидир” дейилган бўлса [4], И.А.Майбуров: “Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида солиқ солинадиган база солиқ солиш объектдан солиқ чегирмалари миқдори билан фарқланади”, – дея таъкидлаган [5]. Пирого Сергей Степанович эса мақоласида “Украина ва Россия Федерацияси Солиқ кодексларида ҚҚС объектининг таърифи ушбу концепциянинг иқтисодий маъносини акс эттирмайди, бу солиқ солинадиган базани, уни ҳисоблаш моментини объектив ва аниқ белгилашга имкон бермайди, солиқнинг ҳуқуқий механизмнинг кераксиз элементларини – счёта-фактураларни ва алоҳида бухгалтерия ва солиқ ҳисобини киритиш керак. Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш учун қўшилган қийматни ҚҚС объекти сифатида белгилаш ва солиқ солинадиган база ҳисобини тўлов топшириқномалари (банк ҳисобварақлари) асосида юритиш лозим” деган [6]. Қолаверса, Н.Н.Шелемех бир мақоласида даромадлар ва харажатларни шакллантириш тартиби, фойдани солиққа тортиш мақсадида солиқ солинадиган базани аниқлаш ҳақида ўз фикрларини баён қилган бўлса [7], П.П.Грузин алоҳида мисоллар билан, агар солиқ тўловчида фоизларни тежаш шаклида моддий манфаатлар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган база қандай аниқланишини кўриб чиққан [8].

К.И.Брыкин ҳам солиқ базаси ва уни аниқлаш тартиби юзасидан тадқиқотлар олиб борган ва солиқ солинадиган базанинг эрозиясига қарши курашиш, шунингдек, фойдани солиққа тортишдан олиб қўйиш бўйича халқаро ва мил-

лий тажрибаларни ўз изланишларида кўриб чиққан олим ҳисобланади [9].

П.П.Грузин эса ўз изланишлари натижасида ёзган турли мақолаларида солиқ базаси тушунчасига айна тўхталиб ўтмаган бўлса-да, келтирилган алоҳида мисолларда солиқ тўловчида фоизларни тежаш шаклида моддий манфаатлар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган база қандай аниқланишини кўриб чиққан [10].

Қолаверса, А.Рабинович [11], Т.Козенковалар [12] ҳам ҳар хил турдаги солиқлар бўйича солиқ солинадиган базанинг таркибини кўриб чиққан олимлар ҳисобланади.

Маҳаллий олимларимиздан эса Қ.Яҳёев “Солиққа тортиладиган базани белгилаш икки усул билан олиб борилади: тўғри усул ва ҳисобли усул. Тўғри усулда солиққа тортиладиган даромад (фойда) доимий муассасанинг Ўзбекистонда олган жами даромади билан чет эллик юридик шахснинг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ бўлган чегирмалари, шу жумладан, Ўзбекистон ва чет элда амалга оширилган бошқарув ва маъмурий харажатларни қўшиб, фарқи сифатида белгиланади. Иккинчи ҳисоб усулида солиқ базасини аниқлаш қийин бўлганда, шу даромадни олишдаги харажатлар салмоғига нисбатан қилиб ҳисоблаш йўли билан аниқланади” деганининг гувоҳи бўлсак [13], А.Жўраев ва Ш.Ширинов ҳамкорлигида яратилган дарслиқда “Солиқ солинадиган базани аниқлаш усули солиқ солиш объектининг тури ва тавсифига боғлиқ. Солиқ объектининг тавсифига қараб солиқ базасини аниқлаш усулларини қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин: солиқ тўловчининг даромади асосида солиқ базасини аниқлаш, солиқ тўловчининг маҳсулот, товар, иш ва хизматлар сотувидан олган тушуми асосида аниқланувчи солиқ базаси, солиқ тўловчининг унга тегишли бўлган мулк асосида солиқ базасини аниқлаш усули, солиқ тўловчининг тадбиркорлик мақсадида фойдаланган ресурслари асосида солиқ базасини аниқлаш усули, солиқ тўловчининг фаолият турига қараб солиқ базасини аниқлаш усули” каби мулоҳазалар юритилган [14].

А.Х.Аюбжонов ва А.У.Салиходжаеванинг таъкидларида эса солиқ базасининг кенгайиши ёхуд торайишига таъсир этувчи омиллар ва давлат бюджетининг тушум миқдорига қай даражада боғлиқлиги хусусида илмий ёндашувлар айтиб ўтилган, масалан, солиққа тортиш базаси жорий даврда олдинги даврга нисбатан 1 бирлик ортиши, солиқ тушумининг 1,024 бирликка ортишига олиб келиши ҳисоб-китобларда кўрсатиб берилган [15].

О.Рашидов ҳам солиқ базасини аниқлаш жараёнида муҳим кўрсаткичлардан бири ўлчов бирлиги эканлигини таъкидлаган ҳолда ўз мулоҳазаларини қуйидагича тавсифлаган: “Солиқ

базасини ўрнатиш учун солиқ базасининг ўлчов бирлигини билиш зарур бўлади. Солиқ базасининг ўлчов бирлиги солиқ базасининг миқдорий ифодасини аниқлайди. Ўлчов бирлиги солиқ солиш объектининг моҳиятидан келиб чиқади ва у пул ёки моддий шаклларда мавжуд бўлиши мумкин” [16].

А.С.Жўраев ва Ҳ.Абдуллаевнинг тадқиқотларида эса “Солиқ асоси (базаси) умумий ҳолда белгиланган солиққа тортиш даври мобайнида маълум ҳудуддаги солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объектларининг йиғиндиси” дея таъриф берилган ва солиққа тортиладиган базани аниқлаш усуллари ҳамда унинг элементларига таъсир этувчи омиллар хусусида батафсил тўхталиб ўтилган [17].


**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот методологияси сифатида бутун иқтисодий ҳамжамият доирасида ҳамда республикаимиз солиқ тизимида олиб борилаётган солиқ ислохотлари ва тартиблари, малакатимиз Президенти қарор ва фармонларини чуқур ўрганиш давомида ана-

лиз ва синтез ва иқтисодий математик усуллар, илмий мушоҳада, маълумотларни гуруҳлаш ҳамда прогнозлаш орқали назарий таҳлил усуллари кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Мамлакатимиз солиқ тизимида солиқлар иқтисодий жиҳатдан қуйдаги икки гуруҳга ажратилган ва тавсифланган [18]:

1. Тўғри солиқлар (бевосита).
2. Эгри солиқлар (билвосита).

Тўғри солиқлар деганда, солиқ тўловчилар томонидан ҳеч қандай воситачиларсиз ва уларнинг олган даромадлари миқдорига боғлиқ ҳолда тўланадиган солиқлар тушунилади, яъни солиқнинг ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади [19]. Хусусан, бунда солиқ юки аниқ бир шахс зиммасига тушади. Тўғри солиқлар бевосита даромад, мол-мулк ва ресурслардан олинадиган солиқларни ўзига бириктиради. Тўғри ва эгри солиқларнинг гуруҳланишини қуйида берилган расм орқали кўриш мумкин:




**1-расм. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тўғри ва эгри солиқларнинг гуруҳланиши**

**Манба:** чизма муаллиф томонидан Vahobov A.V. Soliqlar va soliqla tortish. Oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik. / A.V.Vahobov, A.S.Jo'rayev; O'zR oliy va o'rta-maxsus ta'lim vazirligi. Toshkent moliya in-ti. – T.: Sharq, 2009. – 448 b. acocuda яратилган.

Демак, 1-расмда келтирилган маълумотларга асосан тўғри солиқлар жумласига 8 та солиқ тури мансуб бўлиб, улар жисмоний шахслар даромад солиғи, фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ижтимоий солиқ, ер солиғи, мол-мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун каби солиқларни қамраб олади.

Диаграммадан кўришимиз мумкинки, давлат бюджетида тўғри, эгри ва ресурс солиқларининг улуши бериб ўтилган. Ресурс солиқлари ҳам иқтисодий жиҳатдан тўғри солиқлар гуру-

ҳига мансубдир. Демак, давлатимиз бюджетида тўғри солиқларнинг улуши анчагина ва салмоғи бениҳоя устун экан. Шундай экан, бу кўрсаткичлар республикаимиз солиқ тизимида тўғри солиқларнинг солиқ базасини аниқлаш тартиби ва ўзига хос хусусиятларини чуқур кўриб чиқишни тақозо этади. Биз қуйида тўғри солиқлар таркибига мансуб бўлган юридик шахслар фойда ва жисмоний шахслар даромад солиғининг базасини аниқлаш тартиби хусусида мақоламиз давомида танишиб чиқамиз.



1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси бюджетига эгри ва тўғри солиқларнинг давлат бюджетининг даромадлар қисмига нисбатан улуши (млрд. сўмда)

Манба: [https://www.norma.uz/raznoe/soliq\\_tizimi\\_muammolar\\_va\\_istiqbollar1](https://www.norma.uz/raznoe/soliq_tizimi_muammolar_va_istiqbollar1) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Фойда тушунчаси ҳар қандай давр, ҳар қайси маконда ва доимо ҳар қандай фойданинг асосий омили ҳисобланади. Изланишларимиз натижасида шунинг гувоҳи бўляпмизки, охири

йиллардаги статистик маълумотларга кўра, фойда солиғининг улуши умумий солиқли тушумларнинг қарийб учдан бир қисмига тўғри келмоқда.

1-жадвал


Фойда солиғининг беш йиллик ҳолатидаги нисбат улуши

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Солиқ ставкаси (асосий %)	14	12	15	15	15
Давлат бюджетига улуши (%)	4	16	16	22	22
Умумий солиқли тушумлардаги улуши (%)	5	17	21	25	28
Умумий сумма миқдори (млрд. сўм)	2 510,9	15 980,0	19 839,0	26 064,8	35448,8

Манба: жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг беш йиллик йил якунларига бағишланган қарорлари асосида бюджет параметрлари кўрсаткичларига таяниб, мустақил тузилган.

Юқоридаги жадвалда берилган маълумотларга асослансак, 2018 йилда юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкаси 14 %ни ташкил қилганда, бу кўрсаткич давлат бюджети даромадларида 5 %гина улушни қамраб олганини, бироқ олиб борилган самарали солиқ сиёсати ва ислохотлари натижаси ўлароқ (зеро, солиқ ставкаси сезиларли даражада оширилмаган бўлса-

да), сўнгги йиллардаги фоиз улуши давлат бюджети даромадлар қисмида ҳамда умумий солиқли тушумлардаги улуши мос равишда сезиларли даражада ўсиб, 22 % ва 28 %ни ташкил қилмоқда. Демак, бу юридик шахсларнинг фойда солиғи базасини аниқлаш тартиби, унга таъсир этувчи омилларнинг хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.




2-расм. Юридик шахслар фойда солиғининг базасини аниқлаш тартиби

Манба: чизма Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида муаллиф томонидан тузилган.

Республикамиз солиқ тизимида мавжуд тўғри солиқларнинг солиқ базаси ва уни аниқлаш тартиби ЎзР Солиқ кодексига батафсил бериб ўтилган. Ҳозирги кундаги республикамиз солиқ қонунчилигига биноан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базаси субъект жами даромадлари билан солиқ базасини ҳисоблашда чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланиши белгилаб қўйилган [20]. Биз юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда бу жараёни қуйдагича тасвирладик (2-расм):

2-расмда кўрсатилган чизмага асосан солиқ базасини аниқлаш учун биринчи босқичда



Иккинчи босқичда юқорида келтириб ўтилган тартибда аниқланган қонунчиликка мувофиқ солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар(чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар)ни аниқлаб олиш ва уни солиқ база-

амалга ошириладиган жараёнимиз – хўжалик юритувчи субъект жами даромадидан шу фаолият доирасидаги харажатлар миқдорини чегириш ва фойдаси(зарари)ни маълум бир мезонлар асосида гуруҳлаб олишдан иборат. Бунда жами даромад товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган соф тушум ҳамда Солиқ кодексига келтирилган бошқа даромадларни ўз ичига олади. Солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда эса жами даромаддан қуйидаги харажатларни чегириб ташлаш мумкин:

сига қайта қўшиш жараёни бўлса, учинчи босқичда эса солиқ қонунчилигига мувофиқ мавжуд имтиёзлар айланиб ташланади ва солиқ базаси аниқланади.

2-жадвал

Фойда солиғи базасига таъсир этувчи омилларнинг гуруҳланиши

№	Солиқ базасини кенгайтирувчи омиллар	Солиқ базасини қисқартирувчи омиллар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзларнинг бекор қилиниши	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзларнинг берилиши
2.	Чегириб ташланадиган харажатларнинг қисқариши	Чегириб ташланадиган харажатларнинг ошиши
3.	Даромад сифатида қаралмайдиган даромадларнинг қисқариши	Даромад сифатида қаралмайдиган даромадларнинг ошиши
4.	Ишлаб чиқариш таннархи камайиши	Ишлаб чиқариш таннархининг ортиши
5.	Давр харажатларининг камайиши	Давр харажатларининг ортиши
6.	Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда (зарар)нинг кенгайиши (камайиши)	Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда (зарар)нинг камайиши (кенгайиши)
7.	Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг ортиши	Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг қисқариши
8.	Молиявий фаолият харажатларининг қисқариши	Молиявий фаолият харажатларининг ортиши
9.	Фавқулудда вазиятлардан олинган фойда (зарар)нинг ортиши (камайиши)	Фавқулудда вазиятлардан олинган фойда(зарар)нинг камайиши (ортиши)
10.	Солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатларнинг ортиши	Солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар қисқариши
11.	Солиқ объектнинг кенгайиши (янги объект пайдо бўлиши)	Солиқ объектнинг қисқартирилиши (олиб ташланиши)
12.	Бозор нархининг қимматлашиши	Бозор нархининг арзонлашиши

Манба: жадвал муаллиф томонидан мустақил тузилган.

2-жадвалдан кўришимиз мумкинки, хўжалик юритувчи субъект фаолиятида бевосита қатнашувчи юқоридаги таъсир этувчи омиллар фойда солиғи базасининг кенгайиши ёхуд қисқаришига олиб келиши мумкин бўлган ўта муҳим


дастаклар саналар экан. Демак, юридик шахслар фойда солиғи базасини аниқлаш жараёнида бу омилларнинг хусусиятини бевосита ҳисобга олиш ва аниқлаш тартибини пухта ташкил этиш зарур бўлади. Бироқ шундай омиллар ҳам борки,



булар солиқ базасини аниқлашда муаммоли вазиятни пайдо қилади. Мисол учун, Солиқ кодексига кўра, агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақлилиги кўрсатилган. Бироқ солиқ органларида нархлар бўйича бир нечтадан кўп маълумотлар мавжуд бўлган вазиятда, бозор нархи сифатида қайси нарх қабул қилиниши белгилаб берилмаган. Бу эса товарларнинг (хизматларнинг) нархини бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш механизмининг ҳалигача яратилмаганлиги сабаб солиқ органлари ходимлари томонидан солиқ базасига

тузатиш киритиш ишларини амалга ошириш жараёнида муаммоли чигал вазиятларни юзага келтирмоқда. Шундай экан, бундай вазиятлар солиқ базасини аниқлаш тартибини янада такомиллаштириш лозим эканлигини тақозо этади.

Жисмоний шахслар даромад солиғининг ҳам давлат бюджетининг солиқли тушумлари қисмидаги салмоғи муҳимдир. Хусусан, 2021 йил маълумотларига кўра, бу кўрсаткич 15 %ни ташкил қилган [21]. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг базасини аниқлаш жараёнини қуйидаги чизма орқали тасвирладик:



**2-расм. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг базасини аниқлаш тартиби**

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-расмга асосан мулоҳаза қиладиган бўлсак, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг базасини аниқлаш жараёнида биринчи қадамда қиладиган ишимиз жисмоний шахсларнинг жами даромадларини аниқлаб олишдан иборат бўлади. Бунда ЎЗР СКга биноан жисмоний шахслар жами даромади тўрт гуруҳга бўлинади. Иккинчи босқичда шу даромадлардан СКга кўра солиққа тортилмайдиган даромадларни айиришдан иборат бўлса, учинчи босқичда эса солиқ имтиёзлари миқдорини чегириш керак [22].

ЎЗР солиқ кодексига кўра жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлашда солиқ имтиёзлари муҳим ўрин эгаллайди ва бу имтиёзлар қуйдагича гуруҳланади:

3-жадвалда келтирилган гуруҳлаштирилган солиқ имтиёзлари республикамиз солиқ тизимида даромад солиғи базасини аниқлашда энг асосий чегирмаларни қамраб олади ва солиқ тўловчиларнинг ижтимоий ҳимоясида муҳим дастак ҳисобланади.

Гувоҳи бўлганингиздек, юқорида берилган жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш жараёнида эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар қандай даромадлар базага киритилгани, қандайлари даромад сифатида тан олинмагани ва имтиёзлар кўлами ҳисобланади.

Булардан ташқари даромад солиғи базасининг кенгайиши ёхуд торайишига таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, биз бу омилларни қуйида бериладиган жадвалда кўришимиз мумкин.

4-жадвалда берилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, юқоридаги таъсир этувчи омиллар солиқ базаси билан тўғри ёки тескари мутаносибликда боғланган бўлиши мумкин. Жумладан, солиқ ставкаси солиқ базаси билан тескари мутаносибликда боғланган бўлиб, ставка миқдорининг ошиши даромаднинг яширилишига, бу эса ўз навбатида, солиқ базасининг камайишига олиб келади.

## Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлашда чегириладиган солиқ имтиёзларининг гуруҳланиши

№	Имтиёз тури	Имтиёзнинг қўлланиш жабҳалари
1.	Солиқ солинмайдиган даромадлар (ЎЗР СКнинг 378-моддаси)	Моддий ёрдам суммалари; солиқ агенти томонидан йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари; ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар; вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар ва ҳоказо
2.	Жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод этиш (ЎЗР СКнинг 378-моддаси)	Чет давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинмайдиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича ва ҳоказо
3.	Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш (ЎЗР СКнинг 378-моддасига асосан солиқ тўловчилар қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) солиқ солишдан озод этилади	«Ўзбекистон Қаҳрамони», «Совет иттифоқи Қаҳрамони», «Меҳнат Қаҳрамони» унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган шахслар; уруш ногиронлари ва иштирокчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган ва доираси қонун ҳужжатларида белгиланадиган шахслар; болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар; икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар; икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эракалар ва бошқалар.

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида муаллиф томонидан тузилган.

Солиқ имтиёзларининг берилиши солиқ базасининг камайишига сабаб бўлса, имтиёзларнинг бекор қилиниши ёхуд қисқариши солиқ базасининг ошишига олиб келади. Қолаверса, солиқ солинмайдиган, солиқ солишдан озод этилган даромад турларининг ортиши, айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш билан боғлиқ миқдорнинг кўпайиши бевосита солиқ базасининг қисқари-

шига олиб келса, уларнинг қисқариши базанинг кенгайишига сабаб бўлади.

Солиқ базасига тўғри боғланган таъсир этувчи омил солиқ тўловчининг даромад миқдори ўзгаришидир, яъни агар солиқ тўловчининг умумий даромади кўпайса, солиқ солинадиган база кенгайди ва аксинча, даромад миқдори камайса, солиқ солинадиган база қисқаради.

## Жисмоний шахслар даромад солиғи базасига таъсир кўрсатувчи омиллар

№	Таъсир кўрсатувчи омиллар
1.	ЎЗР солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар
2.	Солиқ ставкаларининг ўзгариши
3.	Солиқ имтиёзларининг берилиши ёки бекор қилиниши
4.	Солиқ объектининг кенгайиши ёки қисқариши
5.	Солиқ тўловчининг даромад миқдори ўзгариши
6.	Солиқ солинмайдиган даромад турларининг ўзгариши
7.	Солиқ солишдан озод этилган даромад турларининг ўзгариши
8.	Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш билан боғлиқ миқдорнинг ўзгариши

*Манба:* жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Биз таҳлил жараёнида шунга амин бўляпмизки, республикамиз солиқ тизимида жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартиби анча мураккаб ва унга таъсир этувчи омиллар талайгина экан. Биз тадқиқотларимиз давомида мамлакатимиз солиқ тартибларини ўрганар эканмиз, шу қатори чет мамлакатлар тажрибаларини ҳам кўриб чикдик.

Чет мамлакатлари солиқ тажрибаларига назар ташлайдиган бўлсак, жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш жараёнида асосий эътибор даромад тури ва харажатлар миқдорига қаратилади. Масалан, Франция солиқ тизимини кўриб чиқсак. Франция ҳукумати даромад солиғидан ўзининг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш учун фойдаланади. Бунда ижтимоий истеъмол фоизлари яхши ривожлан-

маган шароитда даромад солиғи оилани рағбатлантириш, кам мулк эгаларига ёрдам бериш учун қўлланилади. Францияда яшовчилар солиқ базаси сифатида мамлакатда ва чет элда (шартномалар ҳисобга олинган ҳолда) олган ҳамма даромадларидан тўлайди. Ўзига хос хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг шахсий даромадидан эмас, балки оиланинг умумий даромадидан олинади. Солиқ солинадиган базадан қонунчиликда махсус белгиланган харажатлар чиқариб ташланади. Жумладан, овқатланиш учун белгиланган махсус ёрдам кабилар. Айрим чиқариб ташлашлар қуйидаги баъзи ижтимоий гуруҳларга белгиланган: кексайган кишилар, ногиронлар ва бошқалар.

Францияда солиқ тўловчилар даромади қуйидаги 7 та категория асосида ҳисобга олинади [23]:

1. Ёлланиб ишлайдиганлар иш ҳақиси.
2. Ер даромадлари (ер ва иморатни ижарага бериш).
3. Оборот капиталидан олинadиган даромад (дивидендлар ва фоизлар).
4. Қайтадан сотишдан олинadиган даромад (иморатни, қимматбаҳо қоғозларни).
5. Акциядорлик жамияти бўлмаган корхоналар ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятдан олинadиган даромад.
6. Тижорат хусусиятига эга бўлмаган даромадлар (эркин касб эгаларининг даромадлари).
7. Қишлоқ хўжалиги даромадлари.

Солиқ базасини аниқлашда эса умумий даромадни топиш билан боғлиқ бўлган харажатлар чегириб ташланади. Хусусан, ер даромадида умумий даромаддан қуйидагилар чегириб ташланади:

1. Иморатни ижарага берганда – 15 % ва ерни ижарага берганда – 10 %.
2. Иморатдан фойдаланиш харажатлари.
3. Иморат ва ердан олинadиган солиқлар суммаси.

Юқоридагилардан англаш мумкинки, Франция солиқ тизимида жисмоний шахслар даромад солиғи базасини аниқлаш тартиби ва хусусиятлари бирмунча мураккаб ва кўп қиррали, билъақс, солиқ тўловчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимига асосланган.

**Хулоса ва таклифлар.** Бизнинг юқорида қилган таҳлилларимиздан шундай хулосага ке-

лиш мумкинки, мамлакатимиз солиқ тизимида тўғри солиқларнинг базасини аниқлаш тартиби солиқ объектининг хусусиятидан келиб чиққан тарзда икки, уч, ҳатто, тўрт босқичли жараёнларни қамраб олади. Солиқ базасини аниқлашда дастлабки босқич мавжуд қонунчилик базаси асосида олиб борилса, иккинчи босқичда базани кенгайтирувчи омиллар ҳисобга олинади ва қўшилади. Учтинчи босқичда эса базани қисқартирувчи ҳолатлар эътиборга олинса, тўртинчи босқичда базага тузатиш киритиш натижасида базада кенгайиш ёхуд қисқариш юз берадиган позициялар кўрилади. Бу босқичлар, ўз навбатида, солиқ базасини аниқлаш тартибининг содда ёки мураккаблик даражасини белгилаб беради.

Қолаверса, чегирмалар солиқ базасини белгилаб олишдаги энг муҳим қисм бўлиб, солиқ тўловчиларни ижтимоий жиҳатдан рағбатлантириш ёхуд солиқдан қочмаслик хусусиятлари айнан шу қисмда мужассамлашган. Агар чегирмалар етарли даражада ёки адолатли берилмаса, бу солиқдан қочиш каби вазиятларни вужудга келтиради. Шу нуқтаи назардан бизнинг солиқ тизимимизда ҳам баъзи солиқ имтиёзлари етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Масалан, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромаддан солиқ тўлашда қуйидаги имтиёзларни киритишни таклиф этамиз:

1. Мол-мулк объектини ижарага беришдан олинган даромаддан бу объектга қилинган харажат миқдорини чегириш лозим.

2. Ер ва мол-мулк учун тўланиши лозим бўлган солиқларни ҳам харажат сифатида қараш ва мол-мулкни ижарага беришда даромад солиғидан чегириб ташлаш лозим.

3. Мамлакатимиз менталитети ва диний хусусиятларидан келиб чиққан тарзда меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан ҳаж ва умра зиёратлари учун қилинган харажатларни ҳам солиққа тортилмайдиган даромад сифатида қараш лозим.

Шунингдек, юридик шахслар фойда солиғи бўйича агар солиқ органларида нархлар бўйича бир нечтадан кўп маълумотлар бор бўлган вазиятда бозор нархи сифатида ўртача нарх қабул қилиниши керак деб ҳисоблаймиз. Яъни бунда бозор нархи сифатида мавжуд барча маълумотларнинг ўртача арифметик қиймати усулдан фойдаланилади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 178-сонли қарори (24.03.2022).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 208-сонли қарори (15.04.2022).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 162-сонли қарори (28.06.2022).
4. Миляков Н.В. *Налоги и налогообложение. Учебник. 5-е изд., перераб. и доп.* – М.: ИНФРА-М, 2006. – 509 с.
5. *Налоги и налогообложение. Ред. Майбуrow И.А. 2017, 4-е изд.* – 558 с.
6. *Элементы правового механизма НДС: проблемы определения [Текст] // С.С.Пирого, И.С.Пирого. // Налоги. 2013. № 3. С. 28-32. Библиогр. С. 32 (6 назв.) УДК ^а347.73 ББК 67.402. Рубрики: Право-Финансовое право – Россия-Украина.*



7. Шелемех Н.Н. (Фьючерсы, форварды, опционы – формирование доходов и расходов [Текст]. / Н.Н.Шелемех. // Бухучет в сельском хозяйстве. 2016. № 2. С. 40-50. Библиогр. С. 50 (14 назв.). Продолж. Начало: № 1. ISSN 2075-0250. УДК <sup>^</sup>а336.22 ББК 65.261 Рубрики: Экономика Финансовая система).
8. Налогообложение материальной выгоды от экономии на процентах за пользование заемными (кредитными) средствами [Текст]. / П.П.Грузин. // Бухгалтерский учет. 2008. N 10. С. 26-32. УДК <sup>^</sup>а336.0/5 ББК 65.261. Рубрики: Экономика-Россия Финансовая система.
9. Брыкин К.И. Институт контролируемых иностранных компаний по законодательству Соединенных Штатов Америки [Текст]. / Международная экономика. 2017. № 7. С. 38-42. Библиогр. С. 42 (3 назв.). ISSN 2074-6040. УДК <sup>^</sup>а338(1-775) ББК 65.6. Рубрики: Экономика-Экономика развитых стран – США.
10. Грузин П.П. Налогообложение материальной выгоды от экономии на процентах за пользование заемными (кредитными) средствами [Текст]. / Бухгалтерский учет. N 10. С. 26-32. УДК <sup>^</sup>а336.0/5 ББК 65.261. Рубрики: Экономика-Россия Финансовая система.
11. Некоторые вопросы НДС при расчетах векселями [Текст]. / А.Рабинович. // Хозяйство и право. 2011. N 8. С. 55-63. УДК <sup>^</sup>а347.73 ББК 67.402. Рубрики: Право Финансовое право.
12. Особенности налогообложения прибыли в консолидированных налоговых группах [Текст]. / Т.Козенкова, И.Зачупейко. // РИСК: ресурсы, информация, снабжение, конкуренция. 2012. № 2, ч. 2. С. 324-330. Табл. Библиогр. С. 330 (5 назв.). УДК <sup>^</sup>а658.152 ББК 65.261. Рубрики: Экономика Финансовая система.
13. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Т.: Фафур Фулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 2000.
14. Soliқ statistikasi va prognozi. O’quv qo’llanma. / A.Jo’rayev, S.Shirinov. O’zbekiston Respublikasi Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligi. – T.: Iqtisod-moliya, 2015. – 392 b.
15. Аюбжонов А.Х., Салиходжаева А.У. Moliya statistikasi. O’quv qo’llanma. 2019. – 239 b.
16. Rashidov O.Yu., va bosh. Pul, kredit va banklar. Cho’пон nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011.
17. Жўраев А.С, Абдуллаев Ҳ. Солиқни прогноз қилиш. Маъруза матнлари тўплами. – Т.: ТМИ, 2005. – 168 бет (9 бетидан).
18. Vahobov A.V. Soliqlar va soliqqa tortish. Oliy o’quv yurtlari talabalari uchun darslik. / A.V.Vahobov, A.S.Jo’rayev. O’zR Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligi. Toshkent moliya in-ti. – T.: Sharq, 2009. – 448 b. 58-betidan.
19. Raxmonov D.A., Mingishov L.O’. Moliya. O’quv qo’llanma. JIDU. – T., 2014. 176-bet.
20. Худойқулов С.К. Молия ва солиқлар. Дарслик. – Т.: Iqtisodiyot, 2020. – 554 б.
21. Абдуллаев Ж.Х. Солиқ тизими: муаммолар ва истиқболлар. ([https://www.norma.uz/raznoe/soliq\\_tizimi\\_muammolar\\_va\\_istiqbollar1](https://www.norma.uz/raznoe/soliq_tizimi_muammolar_va_istiqbollar1))
22. Xudoyqulov S.K. Soliқ tizimi. Kasb-hunar kollejlari uchun o’quv qo’llanma. – T.: ILM ZIYO, 2013. – 304 bet.
23. Shamsutdinov F.Sh., Shamsutdinova Sh.F. Chet mamlakatlar soliq tizimi. Darslik. – T.: Fan va texnologiya, 2011. – 508 bet. ISBN 978-9943-10-553-9.
24. Махмудов С. Оценка эконометрического анализа экспортно-импортных процессов в национальной экономике на основе моделей. VAR, ARDL И ARIMA: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a29](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a29). Экономика и образование, 23 (3), 184-197. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/526>
25. Махмудов С. Оценка экономического анализа операций коммерческих банков. Экономика и образование. 2022. 23 (2), 354–361. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/480>



## МАМЛАКАТИМИЗ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ҳамзаев Азизбек Нематович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

таълим докторанти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a54](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a54)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш йўллари, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини ривожлантириш истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, инвестиция, қимматли қоғоз, корпоратив қимматли қоғоз, давлат қимматли қоғозлари, акциялар, эмитент.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НАШЕЙ СТРАНЫ НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ

Ҳамзаев Азизбек Нематович -

Ташкентский государственный экономический

университет базовый докторант

**Аннотация.** В данной статье пойдет речь о путях совершенствования инвестиционной деятельности коммерческих банков нашей страны на рынке ценных бумаг, а также анализ ее преимуществ и улучшение перспектив развития. Также в статье представлены существующие проблемы в перспективах развития инвестиционной деятельности коммерческих банков на рынке ценных бумаг, а также авторские подходы и предложения по их устранению.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, инвестиции, ценные бумаги, корпоративные ценные бумаги, государственные ценные бумаги, акции, эмитент.